

ЗАМОНАВИЙ МУТАХАССИСДА АКМЕОЛОГИК ФИКРЛАШНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

Исроилов Қ.Т.

ЧДПУ мустақил тадқиқотчи

Таянч сўзлар: акмеология, акмеологик ёндашув, акмеологик қобилиятлар, акмеограмма, психограмма, автопсихологик компетентлик, креативлик, профессиограмма, акмеотехнология, автокогнитив қобилият, касбий тайёргарлик, ижодкорлик қобилияти, касбий тайёргарлик, акмеолог, касбий ижодкорлик, шахсий-профессионал ривожланиш.

Ключевые слова: акмеология, акмеологический подход, акмеологические способности, акмеограмма, психограмма, аутопсихологическая компетентность, креативность, профессиограмма, акмеотехнология, аутокогнитивные способности, профессиональная подготовка, творческие способности, профессиональная подготовка, акмеолог, профессиональное творчество, личностно-профессиональное развитие.

Key words: acmeology, acmeological approach, acmeological abilities, acmeogram, psychogram, autopsychological competence, creativity, professionalogram, acme technology, autocognitive abilities, professional training, creativity, professional training, acmeologist, professional creativity, personal and professional development.

Бўлажак мутахассисларни касбий фаолиятга тайёрлашни муҳим йўналишларини аниқлаш, ривожлантириш бўйича реал шароитларни яратиш акмеологик муҳитдан дарак берса, уларда касбий ижодкорлик қобилиятини аниқлаш ва ривожлантириш асосида бўлажак мутахассиснинг юқори поғоналарга эришувини таъминлашни ўзида амалий жиҳатдан акс эттиради.

Акмеологик ёндашувни муваффақиятли амалга ошириш, мақсадга йуналтирилган психолого-педагогик шартини ташкил этиш, (шунингдек, шахсни акмеологик йуналтиришни шакллантирувчи методлар ва усуллар), педагогик таъсир йуналишининг ижобийлиги ўзгаришига риоя этишни таъминлади [2].

В.Д. Шадриковнинг эътирофига кўра, олий педагогик таълим тизими ҳар қандай педагоги юксак даражадаги тилни билиш маданиятига, ўз фикр ва мулоҳазаларини аниқ ва раво турли тил имкониятларидан самарали



фойдаланган ҳолда ифодамай билиш, ўзининг предмети юзасидан ҳар томонлама мукамал билимга эга бўлиши в уни ўқитиш усулларини яхши ўзлаштирган бўлиши керак [4].

Акмеология мажмуавий, интегратив фан сифатида, инсоннинг ривожланиш ва тикланиш динамикасида, шахс ижодий потенциалида ўз-ўзини намоён этиш қонуниятлари ва омиллари, ҳамда таълимий ва касбий ютуқларга эришиш йўллари тадқиқ этади. Субъектнинг касбий фаолият муаммоси акмеологияда долзарб ҳисобланади.

Касбий таълимнинг акмеологик модели шахсни касбий фаолиятга тайёрлашда янги сифатга эришишга йўналтирилган таълим муҳити, акмеологик йўналтирилган таълим янги интегратив фикрлаш усуллари, замонавий ҳаётга мослаштиришда ва ўз-ўзини намоён қилиш кўникмаларини шакллантиришга эга бўлган булғуси мутахассисларни яхлит ва барқорор ривожлантиришга йўналтирилган бўлиб, педагогик мутахассислар тайёрлашда муҳим аҳамиятга эга.

Замонавий мутахассисда акмеологик фикрлашни шакллантириш ва креатив фаолият усуллари, инновацияга, муваффақиятга, касбий моҳирликка интилиш, ижодий потенциални намоён этиш қобилияти, акмеологик ва умумий касбий маданиятнинг зарурий компонентлари ҳисобланади.

Мутахассисларни тайёрлашнинг рефлексивли ўз-ўзини фаоллаштириш технологияси кенг қўлланилади ва касбий фаолиятни предметли ва ижтимоий мазмунини яратиш имконини беради. “Касбий таълим акмеологияси” факультатив махсус курси, психологик-акмеологик-педагогик тренинглари психологик-педагогик амалиётни ўзида намоён этади ва диагностика методлардан, антропологик, акмеологик технологиялардан, ўз-ўзини бошқариш тамойилига асосланган, рефлексияни ривожлантириш, таълим оловчиларни касбий шакллантириш ва ривожлантириш, стереотип ва установкаларни блоклаш, “Мен-концепциясини”ни ва акмеологик маданиятни онгли шакллантиришга йўналтирилган махсус машқлар ва иш ўйинларидан тузилган.

Ҳиссий-эмоционал-баҳолаш йуналганлиги шахс сифатида ижодий ўз-ўзини намоён этиши ва мақсадга йуналтирилган касбий ўз-ўзини ривожлантиришни баҳолаш, педагогик таъсир, талабаларнинг ахборотни онгли равишда қабул қилишни ташкил этиш билан боғлиқ.

Когнитив эса, (когнитив-шахснинг мустақил фикрлаш жараёни [4,-195 б], когнитив –у атроф олам ҳақидаги билим доирасини кенгайтириш,

дифференциалловчи тафаккурни шакллантириш, билиш эҳтиёжларини ривожлантириш таълими.

Тажриба-синов ишининг когнитив ташкил этувчиси касбга эришиш мақсади, касбий-ижодий ўз-ўзини намойиш этиш, касбий ривожланишнинг муҳимлиги ва мақсади, руҳий ҳолат, касбий фаолият мақсади, таълим олувчиларнинг назарий билимларини ўзлаштиришини таъминлашни ўз ичига олади. Бунда тафаккур ва ахборотни ўзлаштиришни ташкил этиш учун таълим олувчилар диққатини фаоллаштирувчи усуллар ва методлар, назарий материалларни хотирада тутиш ва эсга олиш, мустақамлашга оид усуллар қўлланилди.

Инсонни ёшлигиданоқ маълум бир соҳага йўналтира олувчи технологияларнинг энг биринчиси ва муҳим механизми - акмеограммадир. Акмеограмма-шахснинг касбийлашуви ва муайян меҳнат мубъектлари фаолиятининг тараққиётига имкон берадиган талаблар шароит ва омиллар тизимини намоён этади.

Акмеограмма доим индивидуал бўлади, у шахснинг имкониятлари ва истиқболларини, хусусиятларини ўзида мужассам этади. Акмеограмма маълумотлар базаси орқали олиб борилди, унинг кўрсаткичлар мумкин қадар фоизларда белгиланди.

Олий таълим талабасининг акмеограммасини ишлаб чиқишда А.А.Деркач, А.А.Бодалевлар томонидан тақдим этилган ва ҳозирги кунда фаолият кўрсатаётган акмеограммани ўрганиб чиқиб [1] унга мослаштирилди.

Акмеограмма акмеографик ёндашувнинг асосий методи ва у прогрессив ривожланишга ҳамда шахснинг профессионализми конкрет меҳнат субъектлари фаолиятининг тараққиётига имкон берадиган талаблар, шароит ва омиллар тизимини намоён этади. Талабалар акмеограммаси индивидуал тавсифга эга, расмий равишда бўлиб, у самарали фаолият кўрсатаётган субъектнинг индивидуал “кесими”ни, унинг имкониятлари ва истиқболларини, кучли ва кучсиз томонларини ўзида мужассам этади. Акмеограмма профессиограмма ва психограммага нисбатан индивидуалликнинг юқори даражада намоён этилиши билан фарқланади.

Акмеограмма талаба фаолиятининг барча жиҳатлари (касбий фаолиятга тайёргарлик, ҳар кунги муносабат, шахсий ривожланиш ва фаолиятнинг умумий натижаси) ҳамда бундан келиб чиқиб, бўлажак кадрнинг индивидуал психологик ва психофизиологик хусусиятларига қўйиладиган талабларни ўз ичига олади [5].



Акмеология педагогика билан ҳамкорликда қуйидаги унча оддий бўлмаган масалани ечиши зарур: инсон ўзининг ҳаёти йўлида қандай алоҳида хусусиятга эга бўлган, таъкидлангандек микроакмаларга эришиб бориши керакки, яъни у келгусида катта "макроакма"ни ҳосил қилсин.

Шунга кўра, мутахассислар тайёрлаш жараёнида фанларни интеграциялаб кредит-модулли ўқитиш билан бир вақтда, талабанинг индивидуал истиқбол режаларини ишлаб чиқиш, индивидуал ривожлантириш дастури билан ишлаш, касбий компетенцияни шакллантириш, ўқув портфолиони юритиш, касбий таълим акмеологияси факультатив махсус курсни олиб бориш, акметехнологияларни, краетивликни шакллантирувчи ва ривожлантирувчи методларни қўллаш, гуруҳ раҳбарининг маънавият машғулотларини мукамаллаштириш, касбий йўналтириш фаол ўқув машғулотларини олиб бориш каби ишларни амалга ошириш натижасида ҳар бир талабада ўзига хос микро акмеларга ва уларнинг мажмуасида касбий тайёрлик макроакмега эришишга ҳаракат қилинди.

Адабиётлар:

1. Акмеология: учебник/под ред. А.А.Деркача. М.: Издательство РАГС.2006, 688 с
2. Зашихин В.А. Инновационный проект развития акмеологической полипрофильной школы // Профильная школа. 2005. № 6
3. Митина Л.М. Психология развития конкурентоспособной личности: учеб.-метод.пособие / Л.М.Митина; Моск.психол.-социал. ин-т. -М.: МПСИ; Воронеж : МОДЭК, 2002. - 400 с
4. Шадриков В.Д. Новая модель специалиста: инновационная подготовка и компетентностный подход // Высшее образование сегодня. - 2004 №8.- С. 120-128
5. Эрназарова Г.О. Акмеологик ёндашувни амалга оширишнинг педагогик-психологик шарт-шароитлари// Таълим, фан ва инновация. ИМЖ. Т.:. 2017 йил, №3, -Б 19-21

РЕЗЮМЕ

Мақолада шахснинг ривожланишини, уни касбий фаолиятга тайёрлашни акмеологик ёндашув асосида такомиллаштиришда акмеограмма методининг аҳамияти ёритилган. Акмеограмма профессиограмма ва психограммага нисбатан индивидуалликнинг юқори даражада намён этилиши билан фаркланиши ва унинг ёрдамида бўлажак мутахассиснинг касбий тайёргарлиги, ижодкорлик қобилияти, янгилик яратишга хоҳиши ва интилиши билан боғлиқ бўлган ресурслар аниқланиши ифода этилган.

РЕЗЮМЕ

В статье подчеркивается значение метода акмеограммы в совершенствовании развития человека и его подготовке к профессиональной деятельности на основе акмеологического подхода. Акмеограмма отличается от профессионалограммы и психограммы высоким уровнем проявления индивидуальности, с ее помощью выявляются ресурсы, связанные с профессиональной подготовкой, творчеством, желанием и стремлением создавать новое.

SUMMARY

The article emphasizes the importance of the acmeogram method in improving human development and preparing him for professional activity based on the acmeological approach. The acmeogram differs from the professionalogram and psychogram by the high level of manifestation of individuality; with its help, resources associated with professional training, creativity, desire and desire to create new things are identified.